

Республика Маънавият ва маърифат маркази,
“Маърифат” тарғиботчилари жамияти

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС - МАЪРИФАТЛИ ЖАМИЯТ САРИ!

мавзусида ўтказилган
Республика илмий-амалий
конференцияси маърузалар

ТЎПЛАМИ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ
“МАЪРИФАТ” ТАРГИБОТЧИЛАР ЖАМИЯТИ

“УЧИНЧИ РЕНЕССАНС – МАЪРИФАТЛИ
ЖАМИЯТ САРИ!”

МАВЗУСИДА ЎТКАЗИЛГАН РЕСПУБЛИКА
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ
МАЪРУЗАЛАР ТЎПЛАМИ



Тошкент – 2023

УЎК 323(575.1)(082)

316(575.1)

КБК 66.3(5Ў)

У 90

“Учинчи Ренессанс – маърифатли жамият сари!” мавзусида ўтказилган Республика илмий-амалий конференцияси маърузалар тўплами [Матн]: / – Тошкент: Muharrir nashriyoti 2023. – 232 б.

ISBN 978-9943-9349-8-6

УЎК 323(575.1)(082)

316(575.1)

КБК 66.3(5Ў)

Маъсул муҳаррирлар:

Минҳожиддин МИРЗО,

Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, сенатор

Хусанов Бахтиёр Қаҳрамон ўғли,

“Маърифат” тарғиботчилар жамияти раиси

Тузувчилар:

Ғуломов Ҳумоюн Машраб ўғли,

“Маърифат” тарғиботчилар жамияти бўлим бошлиғи

Бурхонов Жасур Жаҳонгир ўғли,

“Маърифат” тарғиботчилар жамияти масъул ходими

**Мазкур тўпламдан ўрин олган маъруза матнларининг мазмуни ва аниқлиги бўйича муаллифлар масъул ҳисобланади.*

Мазкур тўплам Республика Маънавият ва маърифат маркази «Маърифат» тарғиботчилар жамиятининг 2022 йил 30 сентябрдаги 13-сонли мажлисида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-9349-8-6

© «Muharrir nashriyoti»,
Тошкент, 2023.

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ДУНЁ УЧУН НАЖОТ ДЕМАКДИР

Шарипова Лайло Фрунзеевна,
БухДУ доценти, филология фанлари доқтори,
маънавият тарғиботчиси, шоира

Мағриб “ренессанс”, Машриқ “уйғониш” деб атайдиган давр инсониятга улуғ неъматлар бергани билан ардоклидир. Уйғониш даври қуидаги жиҳатлари билан алоҳидалик каб этади:

1. Бир жойда тўхтаб қолган илм-фан, санъат тубдан янгиланади, тараққиёт чўққисига кўтарилади.
2. Фанлар кесишуви юз бериб, маълум фанларнинг ютуғи бирлашиб, кашфиётлар юзага келади.
3. Илм-фан, санъатда даҳолар етишиб чиқар экан, уларнинг ютуқлари бир элга, бир халқقا эмас, бутун инсониятга манфаат келтиради.
4. Дунё тамаддунига дахлдор мутафаккирлар асрларга ярайдиган яратиқлар бунёд қиласидилар. Бу улуғларнинг илми, санъати абадийликка дахлдорлиги билан тафовутланади.

Ренессанс юзага келиши учун бир улуғ мамлакат, бир курдатли салтанат, қўйингки, кўп етук устозлар пойдевор бўлиб беради. Биринчи ва Иккинчи Уйғониш жараёнини кўздан кечириб, шундай холосага келдим. Мисол келтирсам. Талабаларга кўп бор бу саволни берганман: “Мирзо Улуғбек Амир Темур назарига тушгани, болалигига доим бобоси ўзи билан олиб юрганида улуғ давраларни кўргани учун комилликка эришдими?! Ёки Амир Темурнинг ўткир нигоҳи Улуғбекнинг келажагини илғадими?” Талабаларнинг ранг-баранг жавобидан сўнг ўзим айтаман: “Иккови ҳам”. Бугун ҳам фавқулодда истеъдодларни кўра олсак, уларга муносиб шарт-шароитларни етиштириб берсак, Учинчи Ренессанс юзага келади, бу муҳим ҳаракатнинг намояндлари майдонга чиқади. Бугун ёшларимизга етарлича ғамхўрлик қилинаётгани рост. Ўйлаб қоласан киши: эҳтимол, жадидлар

ҳаракати куч билан тўхтатилмагандада Уйғониш эртароқ дунё юзини кўрармиди...

Инсонга илк таълимни дастлаб бўлажак она беради ва бу таълим бевосита амалга ошади: туғилажак фарзанд она бўлаётган аёл нимани ўйласа, шуни онг остига жойлаштириб боради. Ёлғон гапирса, ёлғончиликни ўрганади, ҳаром луқма еса, ноҳалол луқмага ўч бўлиб униб-ўсади. Дунёга келаётган инсонга илк сабоқни она берар экан, бу сабоқ нотўғри бўлса, уни таълим-тарбия бериш орқали тузатиш жуда қийин. Чунки туғилажак чақалоқ ўз руҳий-маънавий дунёсининг пойдевори билан дунёга келади. Буни улут халқимиз ўз фольклорида **Ибн Сино** маслаҳати акс этган афсонасида биз учун чиройли қилиб, ўгитли тарзда айтиб қўйганига асрлар бўлди. Нега Учинчи Ренессанс ҳақида ёзаётуб, бу фикрларни келтирдик. Чунки ирсият таълимига кўра ёш авлод камоли, аввало, онадандир. Мустақил мамлакатимизда оналар соғлигига, саодатли яшашига ҳар томонлама эътибор қаратилаётгани, бу эътиборнинг борган сари ошиб бораётгани қобилиятли, соғлом фарзандларнинг дунёга келиши учун муҳимдир.

Президентимиз Фармони, давлатимиз Қарори асосида мактабгача таълимга эътибор қилингани ёш авлод таълими занжиридаги узилиб қолган ҳалқани боғлаб берди ва 3-5 ёшли ҳужжатсиз жажжи “профессор”ларга алоҳида эътибор бошланди. Эндиликда бўлажак оналар олий маълумотли бўлса, ёш авлод таълим-тарбиясида жиддий ижобий ўзгаришлар бўлишини инобатга олиб, давлатимиз Президентимиз раҳбарлигида муҳим ўзгаришларни амалга оширмоқда. Масалан, магистратурага ўқишига кирадиган қизларнинг пул тўламаслиги бу борадаги кўпгина қийинчиликларни барта-раф этади. Бундай чора-тадбирлар ёш авлод камолоти йўлида ўзига хос ўрин тутишини эътироф этиш лозим. Ҳамма гап бу муҳим Фармон ва Қарорларни жойларда тўғри амалга оширишда, бизнингча. Бу ижобий ўзгаришларга қўйидан муносаб жавоб бўлса, таълимдаги сифат ўзгаришлари тезроқ ва кўнгилдагидай амалга ошади.

Бир болага оила, маҳалла, таълим маскани бирлашиб таълим-тарбия берсаккина, шарқона таълим-тарбия тизимини сақлаб қоламиз. Шарқона таълим-тарбияни Ғарбнинг тажрибаларидан энг маъқуллари, инсон ҳаётига саодат келтирувчи жиҳатлари билан бойитсак, фарзандларимиз дунёга юзланганда қадди тик бўлишига, ёруғ юз билан Ватанимизга қайтишига ишонч ҳосил қила оламиз.

Бугун ёшларимиз орасидан фавқулодда қобилиятлилар етишиб чиқмоқда. Аслида бундай қобилиятлилар ҳар доим бўлади. Аммо уларнинг юзага чиқиши жуда катта эътиборни, мешақатли меҳнатни, кўмакни, нафакат маънавий, балки моддий базани ҳам талаб қиласиди. Давлатимиз ана шу эҳтиёжларнинг барини таъминлаб бергани учун бугун чекка-чекка туманлардаги истеъододлар ҳам эл назарига тушмоқда. Дунёning нуфузли минбарларидан ўзбекча қалом айтмоқда. Ахир дунёга юзланиб, ўзбекча сўзлашни ҳам Президентимиз бошлаб бердилар-ку! Ўзбек байроғи жаҳон сахнида мағур хилпираётганига шукр!

Учинчи Ренессанс яна қайта қўхна Турондан бошланиб, Янги Ўзбекистон бағрида юз очиб, дунё илм-фанини ривожлантиради, санъатини юксалтиради. Чунки бунинг учун барча шарт-шароитлар етилиб келди. Бунга ишончимнинг сабаблари қуйидагилар:

1. Миллатимиз генида даҳолик гени, фарзандларимиз, невараларимиз қонида улуғлар қони бор.
2. Даҳолар дунёга юзланиши учун таълим-тарбия тизимимиз мукаммаллаштирилмоқда.
3. Иқтисодий қўллаб-қувватлаш тизими ишга тушди.
4. Дунёning барча ютуқлари бирлаштирилмоқда. Кўп тиллилик бунга кўмакчилик қила бошлади. Яна санасак, етарли сабаблар, зарур имкониятлар мавжуд.

Муҳими, янги Ўзбекистон нажот илмда эканини англаб, шахдам қадам ташламоқда. Бу қадамлар Ренессансни юзага чиқариига ишонамиз!

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Маънавий юксалиш – учинчи Ренессанснинг мустаҳкам пойдевори	6
Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик-юксак маънавиятнинг амалдаги кўриниши	16
Миллий қадриятлар - учинчи Ренессанс оиласари маънавияти пойдевори.....	29
Ёшларда маънавий тарбия узвийлигини таъминлаш масалалари	40
“Темурийлар ренессанси”да маънавий-маърифий сиёsat.....	48
Алломалар меросида: маънавият, маърифат ва тарбия....	53
Янги Ўзбекистонда диний таълим ислоҳотлари: тарих ва истиқбол уйғунлиги	60
Шарқ уйғониш даврида илгари сурилган ғояларнинг янги ўзбекистонда амалий ифодаси	65
Янги Ўзбекистонда тараққиётга етакловчи омиллар.....	78
Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Абу Райхон Беруний таълимотининг ўрни ва аҳамияти	84
Янги Ўзбекистонда тарғиботчиларнинг нотиқлик маҳорати	93
Абу Райхон Берунийнинг ҳаёти ва жаҳон тамаддуни ривожига қўшган ҳиссаси	111
Алишер Навоий қарашларида нақшбандия таълимоти тамойиллари	117
Беруни карашларида маънавият масалалари	124
Маънавиятни юксалтиришда ўрта аср шарқ алломалари илмий мероси ва маънавий қадриятларимизнинг ўрни .	128
Абу Райхон Берунийнинг маънавий-ахлоқий, фалсафий мушоҳадалари	138
Биринчи Ренесанс-ilm-фан ва маънавиятга юксак эътибор ифодаси	143

Тарих ва замонавийлик: “темур тузуклари” – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – ҳаракатлар стратегияси – тараққиёт стратегияси	148
Темурийлар Ренессанси даврида маънавий-маърифий ишларнинг аҳамияти	159
Маънавий тарбия тизимида бадиий эстетик тарбия ва ахлоқ уйғунлиги.....	176
“Бобурнома” сарҳадларидан одамийлик мулки сари.....	181
Ёшларни ватанпарварлик рухида тарбиялашда аждодлар меросининг ўрни	186
Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда ёшлар дунёқарашини акллантириш масалалари	193
Алишер Навоийнинг “маҳбуб ул-қулуб” асарида маънавият масалалари.....	196
Темурийлар Ренессанси даврининг маънавий-маърифий аҳамияти	204
Учинчи Ренессанс дунё учун нажот демакдир	213
Китап – билим – илим – цивилизация	216
Абу Али ибн Сино биринчи Ренессанснинг йирик қомусий олимни	222

“УЧИНЧИ РЕНЕССАНС – МАЪРИФАТЛИ
ЖАМИЯТ САРИ!”
МАВЗУСИДА ЎТКАЗИЛГАН РЕСПУБЛИКА
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ
МАЪРУЗАЛАР ТҮПЛАМИ

Муҳаррир:
Шаҳзода Ҳакимова

Техник муҳаррир:
Файзулла Азизов

Дизайнер:
Василий Бурцев

“Muharrir nashriyoti”

6068



Теришга 2023 йил 13 февралда берилди.
Босишига 2023 йил 04 апрелда рухсат этилди.
Бичими: 60x84 1/16. “PT Serif” гарнитурасида
оффсет босма усулида оффсет қоғозида босилди.
14,5 шарт. б.т. 13,48 ҳисоб нашр. таб.
Адади 200 нусха. 30-сон буюртма.

“Муҳаррир нашриёти” матбаа бўлимида чоп этилди.
100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20^а-мавзеи,
Сўгалли ота кўчаси, 5-уй. E-mail: muharrir@list.ru.